

БАДИИЙ ТАФАККУР РИВОЖИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ

*Давлатова Адиба Раҳматовна,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти доценти,
филология фанлари номзоди*

Инсон боласи доимо ўзини ўраб турган муҳитни тадқиқ қилишни, ўрганишни ва моҳиятини англашни яхши кўради. Айниқса, мубҳам ёки ақл ва идрок кўпинча ожизлик қиладиган жиҳатларга қизиқиши табиий. Шу боис бўлса керакки, минг йиллик оғзаки мерос замирида руҳ, туш, ғайб, хуллас космогоник илмлар сирини очишга бўлган интилишларни кузатамиз. Демак, халқ оғзаки ижоди дастлаб, олам ва одам синоатлари инкишофига хайрат ўлароқ майдонга келган десак, иккинчидан, бадииятга руҳан эҳтиёжмандлик сабабли поэтик тафаккур тарзини ҳам шакллантирди. Дунё ва ўзбек халқ оғзаки ижоди мотивларни кузатадиган бўлсак, барчасида узвий боғлиқлик, мазмунан яқинликни кўриш мумкин. Ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар яратилган халқ ижоди жаҳон бадиий тафаккурининг тарихий асоси десак асло хато бўлмайди. Халқона ижоднинг дастлабки тамойиллари, қатъий анъанавий шакллари, турлари ва қисман баъзи образлари кейинги бадиий тафаккур тарзига таъсир кўрсатди. Матал, мақол, эртак, масал, кўшиқ жанридаги асарларда яхшиликка интилиш, ёмонликнинг муқаррар жазосини кўрсатиш, ростгўйликни тарғиб этиш, табиат ва жониворларга шафқатли бўлиш ғоялари ўз ифодасини топган. Бу каби ижтимоий ва эстетик идеал кейинги ёзма адабиёт намуналарида турли жанр ва образларда ҳам намоён бўлди. Халқ оғзаки ижоди намуналарига хос мавзулар, эртак, достон, кўшиқ, афсона жанрлари мотив ҳамда сюжетлари энг аввало муайян миллат психологияси, тафаккур тарзи ва менталитетини ифодаловчи восита ҳамдир.

Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналарининг лейтмотиви, бадиияти, шакл ва мазмуни кишида бадиий тафаккурни шакллантириши билан ҳам аҳамиятлидир. Аниқроқ қилиб айтсак, ижодга иқтидори бўлган шахсларда ўз қобилиятини кашф этишига тўртки бўлиши мумкин. Бунга ғарб ва шарқ, жумладан ўзбек адабиётида ҳам мисоллар кўп. Ўзбек халқининг ўзлиги, миллатнинг вужудга келиши, орзу-армонларини акс эттирган сюжет ва халқ қаҳрамонларининг типик образлари кейинги давр бадиий адабиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

Яъни халқ оғзаки ижоди таъсирида юқорида таъкидлаганимиз ҳиссиётлар асосан руҳий жараён бўлиб, айрим шахсларда руҳий-ижодий баркамоллик касб этади. Масалан, Пушкин, Ҳамид Олимжон шахсияти ва ижоди фикримизга мисолдир. Бўлажак ижодкорлар руҳияти, мантиқий ва ижодий тафаккур қобилиятини ривожлантиришга айнан ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар билан танишувнинг ўрни беқиёс бўлган. Яъни энг аввало образли тафаккур қилишни, руҳиятида туғилган ҳиссиётни бадиий шакл асосида намоён эта олиш қобилиятини ўстиради. Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналаридаги қисқа, лўнда фикрлар, қофиядошлик бўлажак

ижодкорда рифмаларни ўз ўрнида қўллай олиш салоҳиятини ҳам пайдо қилади. Ҳамид Олимжон дostonларидаги қуйма сатрлар, шеърларидаги халқона образлар замонавий шеъриятимизда халқ оғзаки ижоди оҳангларининг давомийлигига яққол мисолдир.

Ижодкор гўёки рассом ўлароқ, болалик хотираларини эртақнамо манзара тасвири уйғунлигида катта маҳорат билан тасвирлайди. Асарларидаги сюжет чизиқлари ўта нозиклик ва халқ оғзаки ижоди мотивлари ҳайрати билан тўлиб-тошган. “Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда”. Бу каби бошланмалар асосан эртақларга хос. Ўтмишга экскурс қилиш учун дастлабки эскиздор. Кўп эртақ ва чўпчаклар, сирли учар отлар, парилар тасвири, ботирларнинг ов ва жанг сафарлари – буларнинг барчасини қарийб ҳамма қаламкашлар поэтик тафаккурига пойдевор бўлган, десак янглишмаймиз. Демак, қадимий ўзанлардан, теран томирлардан илҳомланиш барча замонавий муаллифлар ижодига ҳам хос хусусиятлардан биридир. Бу ҳолат у ёки бу ижодкор асарларининг мазмунини ташкил этмаслиги мумкин, лекин унинг элементлари ёрқин намоён бўлган шеър, ҳикоя ва қиссалар мавжуд. Бундай унсурларга эртақ ёки дostonга хос сюжетларнинг бўлаклари, бошланмалар -синтактик конструкциялар кабиларни киритишимиз мумкин.

Қолаверса, иқтидор ва машаққатли меҳнат, матн устида тинимсиз изланишлар юксак асарларнинг туғилишига замин тайёрлайди. Шоир ёки ёзувчи дастлаб, халқ оғзаки ижоди, кейинчалик мумтоз сўз санъати билан чуқур танишуви натижасида ўз услуби ва йўлини топа боради.

Аксарият юксак ижод вакиллари тарихий йўлига назар ташлайдиган бўлсак, ижтимоий муҳитга биринчи ўринда эътибор қаратилади. Лекин бизнинг назаримизда, эътирофдан кўра, кўпроқ ўша муҳит билан чиқиша олмаслик, ундан норозилик кайфияти ҳақиқий ижодкорни ёхуд СЎЗни кашф этади. Тўғри, шоир адабиёт оламига кириб келган кезларда, унинг ҳаётий тажрибаси ёхуд ижодий тайёргарлиги етарли бўлмагандир, лекин истеъдод эгаларининг ўзига хос савқи табиийси, яна ҳам аниқроқ айтганда “пайғомлар”ни қабул қилишга тайёр очик қалб кўзини инкор қилиб бўлмайди.

XX аср ўзбек адабиёти ижод оламига ўз сўзи, овози билан бетакрор, фавқулodда истеъдодга эга бўлган бир гуруҳ шоир ва адибларни маънавиятимиз ривожини учун энг зарур вақтда тақдим этди. Миллий адабиётимизнинг фидойиларидан бўлган Абдулҳамид Чўлпон ва Фитратлар бошлаб берган янги тизим, самимий мисралар, инсон қалби манзараси инкишофини мақсад қилган сатрларга эга вазн кейинги шеърят табиатини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг ўрталари ўзбек лирикаси давр шеъриятида алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, сохтакорлик, куруқ шиорбозлик давом этаётган тарихий бир шароитда инсон кўнгли, қалбида кечаётган инжа туйғуларни айта олиш улкан ҳодиса эди.

Абдулла Орипов мана шундай шоирлар сирасига киради. У шеърят билан бирга ўсди, улғайди. Худди туйғулари камол топиб, чўнглашиб боргани каби адабиётга қараши, унинг масалаларига муайян муносабати ҳам

шаклланиб борди. Ҳар бир одам ўзига хос индивидуал қобилият ва интеллект соҳиби. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Одам маълум соҳада муайян натижага эришиши учун албатта илмий ва амалий мактабларни ўтамоғи лозим. Абдулла Орипов мана шу мактабни улуғ устозларга маънавий шоғирдликка тушиш, қолаверса, ҳаёт тажрибаси ёрдамида ўтади. Лекин шеърларда халқона оҳанглар, тасвиридаги халқчиллик, инсон ва жамиятнинг азалий орзуси барибир қайсидир нуқталарда сақланиб қолаверади. Масалан, “Қасам дара” каби фожеий, “Ҳангома” (Абдулла Орипов ижодидан) сингари ҳажвий асарларда бу нозик чизиқларни пайқаш қийин эмас. Айрим ўринларда лирик қаҳрамоннинг ҳолатини тасвирида бундай жиҳатларни кузатиш мумкин. Абдулла Орипов “Чўпон” шеърида кенг далалар, най навоси ва сурув сурудида “Алпомиш” достонига хос кайфиятни уйғота олади. Ўзбек замини, ўзбек миллати шу кичик асарда йирик планда тасвириланади. *Сарғаймасин сен севган чаман, қуримасин сен ичган булоқ* – дея фақатгина она юрт бағрида ҳақиқий илҳомга эришишини, шодликка тўлишини ёзади. “Одамлар” шеърида эса ўзбекона руҳнинг, тангликнинг, саҳоват ва жавонмардликнинг ёрқин намунасини кўрсатади. Ўзбекчиликнинг ёзилмаган олтин қондасидан бири меҳмонни атоийи худо деб билишдир. Шеърда ҳам кўноқ ва мезбон образларининг ҳатти-ҳаракатида кимлигидан қатъи назар Одамга илтифот кўрсатиш миллатимизга хос анъана сифатида талқин этилган. Шеър финали ғоятда гўзал. Шоир ҳар қандай таъма ва чекловдан ҳоли меҳмондўстликни улуғлайди. Асардан шундай хулоса чиқариш мумкин: бу менинг ўзлим, миллийлим, халқимнинг сиймоси ва ҳоказо.

Олам ва одам муносабатларини, уйғунлигини, яхлитлигини ўрганишда энг дастлабки уринишлар халқ ижодиётининг мундарижасини ташкил этади. Бу каби ибтидоий, нодир ва ўз навбатида баъзан фалсафий асосига эга манбалар билан кенг танишиш бадиий тафаккурнинг ривожига муҳим рол ўйнайди. Тафаккур фалсафа, мантик, психология соҳаларининг ўрганиш объекти бўлиш билан бир қаторда адабиётшунослик учун ҳам хос мавзулардан саналади. Чунки ижод лабораторияси, ёзувчи бадиий тафаккури ва унинг инъикоси доим мунаққидларни қизиқтириб келган.

Америкалик психолог Ф. Беррон эллик олтидан иборат ёзувчи ватандошлари гуруҳини тестлар ёрдамида текшириб, айнан ижодкорлар орасида ҳиссиёт ва сезги жуда ривожланганини ва рационалликдан устун бўлишини исботлайди. Яъни 56 та субъектнинг 50 нафари “интуитив шахслар” (89%) бўлиб чиқди. Бадиий ижоддан узоқ бўлган одамлардан таркиб топган бошқа гуруҳда эса ҳиссий билиш уч барабар кам чиққан (25%). [1;46] Демак, энг аввало илоҳийдан берилган истеъдод, ўтмиш адабий мерос билан тўйинган дунёқараш ижодкор бадиий тафаккурининг теран илдизи ҳисобланади.

Яна бошқа бир америкалик психолог Д. Гилфорд эса олтига расом устида тажриба олиб борган бўлиб, қобилиятнинг ижод жараёнида намоён бўлишини таъкидлайди. Буларга эса қуйидигиларни киритади: фикрлаш равшанлиги, ўхшашлик ҳамда қарама-қаршиликлар, экспрессивлик,

мослашувчанлик ва керакли контурларни бадиий шаклда бериш қобилияти ва бошқалар.[2;63]

Шоирнинг туғилиши, ҳаёт ва ижтимоий синовлар қуршовида товланиши, ўзлигини топиши ва ўқувчилари қалбидан жой олиши – буларнинг барчаси ижодкор бадиий тафаккури деган тушунча асосида бирлашади. Айниқса, бўлажак шоир қалбида уйғонган илҳом оташи таъсирида дунёни дастлаб рангин кўриши, одамларни самимийлигига ишонишини ижодкорнинг ҳасби ҳолидан билиб олиш мумкин. Лекин кейинчалик ишонганлари томонидан етадиган кескин зарбалар, парда ортидаги яширин ҳаёт, ниқоб остидаги кутилмаган ҳақиқатлар албатта унинг тафаккурига таъсир кўрсатади. Руҳиятида уйғонган симпатия ва антипатиялар образли, символистик шаклларни келтириб чиқаради. Бу эса ижодкор томонидан кутилмаган етук асарларни, бетакрор образларни пайдо бўлишига туртки бўлади. Шоир ёки ёзувчи атрофидаги ҳақиқатларни кузатар экан, ҳали ҳам исмсиз, тушунарсиз, яширин дунёни тобора чуқурроқ билишга, ундаги жараёнларни, инсонлардаги хусусиятларни кашф этиш эҳтиёжини майдонга келтиради. “Илоҳий комедия”, “Фауст”, “Уста ва Маргарита” сингари асарларнинг яралиши, кейинчалик, бадиий адабиётда шекспирона назар, дантеёна танқид сингари қарашларининг келиб чиқиши фикримиз мисолидир.

Шундай қилиб, ижодкорлик, хусусан, бадиий ижод тафаккурни такомиллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Илмий тажрибалар билан англаниши қийин вазиятларни, ҳолатларни етук санъаткор бадиий образлар воситасида оддий, равон тушунтира олиши мумкин. Юксак ижодкорлик қобилияти ҳаммага ҳам берилмаган, лекин фольклор намуналари, миф ва афсоналар, яхшиликка етакловчи эртаклар, одамзоднинг азалий идеаллари куйланган кўшиқлар, мақол, маталлар билан мунтазам танишиб бориш тафаккур тарзига таъсир қилиши айтиш ҳақиқат.

*Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,
Кумуш ёлли қоялар соясини ёпарди.*[3;23]

Гарчи ушбу мисралар ёш шоирнинг муҳаббат мавзусидаги илк шеърларидан бўлса-да, лекин унда ўзбек миллати сўзлашув лексикасига хос атрибутларни, болаликда тинглаган эртак ва афсоналарининг замонавийлик билан қоришиқ жиҳатларини кўришимиз мумкин. Асар контекстида шоирнинг ўзи ҳам бунга ишора қилиб ўтади.

*У сеҳрли сув қизи! Ой нурида оппоқ қор,
Тирилдими қаршимда афсоналар ё қатор* [4;24]

Шоир шеър финалида сув париси тимсолида ошиқ қизнинг безовта руҳига мурожаат қилар экан, ундан саргашталиқдан чекинишни сўрайди. Воқеабанд шеър сирли афсоналарнинг назмий талқини каби таассурот қолдиради. Абдулла Орипов тўртликларидаги фалсафий хулоса, мақолларнинг ўзига хос бадиий тасвири, ўзбек характерининг бетакрор ифодаси аслида юксак истеъдоднинг халқ даҳоси билан уйғун намоён бўлиши билан изоҳланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Борев Ю. Психология художественного творчества. – М., 1999.
1. Борев Ю. Психология художественного творчества. – М., 1999.
2. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т.: 2000.
3. Ўша манба.
4. Soatova, N. (2020). Adabiyot darslarida ma'naviy-axloqiy tarbiya. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 19(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1693
5. Soatova, N. (2020). Alisher Navoiy va Abdulla Qodiriy ijodida ayol tasviri. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(53). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4733
6. Soatova, N. (2020). Badiiy adabiyotda umumiylik va o'ziga hoslik. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(44). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5409
7. Soatova, N. (2020). Nutq odobi masalasiga oid qarashlar ("Qutadg'u bilig" dostoni misolida). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(45). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5419
8. Soatova, N. (2020). Muazzamxon she'riyati ummoni. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 23(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/2085
9. Soatova, N. (2020). Shuhratning "Oltin zanglamas" romanida efik tasvir an'analari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(68). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3575
10. Soatova, N. (2020). АУАЪИЁШГА ЁАДСШКРА УМР. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(63). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3618
11. Soatova, N. (2020). Shuhrat ijodida urush mavzusi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(56). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4631
12. Soatova, N. (2020). Olijanoblik va oddiylik. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(82). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7253
13. Soatova, N. (2020). Shuhrat hayoti va ijodini o'rganishda ZPT lardan foydalanish. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(82). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7288
14. Soatova, N. (2020). "Tohir va Zuhra" dostoni va "O'tkan kunlar" romani qiyosiy aspektda. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(82). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7289
15. Turova, P. (2020). Sharof Rashidovning publitsistikasida adabiy-estetik ideal. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(44). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5465
16. Turova, P. (2020). Sharof Rashidovning Jizzax qo'zg'oloniga bag'ishlangan "Ravshan" dramasi talqinlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(45). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5467

17. Turolova, P. (2020). Hamid Alimcan Eserlerinde Edebi-Estetik İdeal Kategorisi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(44). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5469
18. Turolova, P. (2020). Ehtirom. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(41). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5472
19. Turolova, P. (2020). Adabiy jarayon: folklor va badiiyat. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5476
20. Turolova, P. (2020). Adabiy–estetik ideal kategoriyasining transformatsiyalanish jarayoni (Jizzaxlik ijodkorlar misolida). *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(45). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5477
21. Turolova, P. (2020). Jizzax adabiy muhitida ijtimoiy davr va shaxs ma'naviyatini aks ettirishi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(82). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/7291
22. Эшанкулова, С. И. (2012). Поэтическое толкование образа Хызра в лирике поэтессы Надиры бегим. *Вестник Челябинского государственного университета*, (12 (266)).
23. Эшанкулова, С. И. (2011). Интерпретация мифологических образов в творчестве Надирабегим. *Вестник Челябинского государственного педагогического университета*, (10).
24. Эшонкулова, С. И. (2020). ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗОВ ИСТОРИЧЕСКИХ ЛИЧНОСТЕЙ В УЗБЕКСКОЙ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ. *Сўз санъати хал?аро журнали*, 2(3).
25. Eshonqulova, S. (2020). *Tanlov fandan mahorat saboqlari*. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
26. Eshonqulova, S. (2020). *НОДИРА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ*. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
27. Эшонкулова, С. (2020). *Pari obraziga doir ba'zi bir mulohazalar*. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
28. Эшонкулова, С. (2020). *Ан'анавийлик ва ворслик*. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
29. Jurayev, M. (2020). Abdulla Qahhor komediyalarida axloqiy muammolarning badiiy talqini. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 13(1). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/977